# 161 СОН ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ

Тошкент шахри 06 октябрь 2022 йил

**"SAM KARPO DIZAYN" MCHJ**, кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади, узининг низоми асосида иш олиб борувчи номидан директор **Rabbimov E.A** оркали бир томондан ва ТошПТИ | ихтисослашган болалар хирургик клиника кейинги ўринларда "Харидор" деб юритилади, узининг Низоми асосида иш олиб борувчи номидан Шамсиев Ж.А оркали иккинчи томондан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли мол-мулкни Харидорнинг мулки қилиб беради, Харидор эса мол-мулкнинг хаки тулангандан кейин олиш хукукига эга булади.

1.2. Мол-мулк тугрисида маълумот:

| № | Наименование продукции | Ед. изм. | Кол-во | Цена за ед. | Сумма без НДС | Ставка НДС | Сумма НДС | Всего |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Набор офисный "Феликс" | к-т | 1 | 2 782 608,70 | 2 782 608,70 | 15% | 417 391,30 | 3 200 000,00 |
| 2 | Шкаф комбинированный 2000х1300х420 | шт | 1 | 1 652 173,91 | 1 652 173,91 | 15% | 247 826,09 | 1 900 000,00 |
| 3 | Кресло офисный | шт | 1 | 1 913 043,48 | 1 913 043,48 | 15% | 286 956,52 | 2 200 000,00 |
| | **Итого** | | | | **6 347 826,08** | | **952 173,91** | **7 300 000,00** |

## 2. Шартнома нархи (киймати)

2.1. Шартнома бахоси 7 300 000 (Етти миллион уч юз минг ) сўмни ташкил килади.

## 3.Тулов шартлари

3.1. Ушбу шартнома буйича тулов пул утказиш йўли билан амалга оширилади.

## 4.Мажбуриятларнинг бажарилиши муддати

4.1. Харидор тамонидан олинаетган хар бир мол-мулк туплами учун олдиндан 30 % туловни амалга оширади, колган 70 %и махсулотни олган кундан бошлаб 3 кун ичида тулаб берилади

4.2. Харидор Сотувчининг хисоб ракамига пул утказгандан сунг, сотувчи харидорга мол-мулкни 30 кун вакт ичида бериши шарт.

4.3. Мазкур шартнома тарафлар уни имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради ва "31" декабрь 2022 йилгача амал килади.

## 5. Тарафларнинг мажбуриятлари

5.1. Сотувчи мажбурияти:

5.1.1. Шартномада курсатилган талабларга риоя килган ҳолда Харидорга ўз вақтида мол-мулкни бериш.

5.1.2. Тегишли даражада сифатсиз махсулот юборилганлиги тугрисида хабарнома олгандан сунг, сифатли булмаган мол-мулкни 5 кун ичида алмаштириб бериш еки ушбу шартноманинг 2-бандига асосан сифатли булмаган мол-мулк бахосини кайтариб бериш.

5.2. Харидор мажбурияти:

5.2.1. Махсулотни олиб хисобварак-фактура тузган холда, ушбу шартномада ва конун хужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига караб муддатида махсулотни узи олиб кетади.

5.2.2. Тегишли даражада сифатли булмаган мол-мулк келиб тушгани аникланганда кейин, бу хакда далолатнома езилиб, 72 соат ичида сотувчини огохлантиради.

5.2.3. Мол-мулк бахосини ушбу шартномада белгиланган микдорда ва муддатда тулаш.

## 6. Тарафларнинг жавобгарлиги

6.1. Тарафларнинг бири шартнома мажбуриятларини бажармаган еки лозим даражада бажармаган тақдирда, бу тараф бошка тарафга етказилган зарарни тулайди.

6.2. Сотувчи мол-мулкни тулик етказиб бермаганлиги учун Харидорга етказиб берилмаган хар бир кун учун мол-мулк бахосининг 0,5%и микдорида жарима тулайди, лекин бунда пенянинг умумий суммаси кечиктирилган мол-мулк бахосининг 50%идан ошиб кетмаслиги зарур.

6.3. Тегишли даражада сифатли булмаган мол-мулкни уз вактида алмаштиришдан бош тортса, Сотувчи олувчига хар бир кечиктирилган кун учун сифатли булмаган мол-мулк бахосининг 0,5%и микдорида пеня тулайди.

6.4. Мол-мулк учун сотиб олувчи ўз вақтида тўламаганлиги учун Сотиб олувчи Сотувчига утказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4%и миқдорида, аммо кечиктирилган тулов суммасининг 50%идан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

## 7. Форс-мажор холатлари

7.1. Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида узига боглик булмаган сабабларга кура ва енгиб булмас куч мавжуд булган такдирда ушбу шартномада курсатилган мажбуриятлари буйича жавобгар эмас. (Уруш эълон килиши еки бошланиши, табиий офатлар, нокулай об-хаво шароити, хукумат тадбирлари, ҳокимият органларининг қарорлари, харбий низолари, ички тартиббузарликлар ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир)

7.2. Тарафлар ушбу шартномада курсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тугрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.

7.3. Агар бартараф килиб булмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огохлантириб шартноманинг ижросини бекор килиши мумкин

**8. Низони хал килиш тартиби**

8.1. Ушбу шартномада еки унга боглик масалалар юзасидан келиб чикадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан хал килинади.

8.2. Тарафларнинг келишуви билан хал килиб булмайдиган низолар конун хужжатларида белгиланган тартибда Хужалик суди оркали хал-килинади.

**9. Шартномага узгартириш ва кушимчалар киритиш тартиби**

9.1. Ушбу шартномага киритилган барча узгартириш ва кушимчалар факат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо куйилгандан кейингина юридик кучга эга.

9.1. Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан еки Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексига хамда амалдаги конун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган холда муддатидан илгари бекор килиш мумкин

**10. Бошка шартлар**

10.1. Ушбу шартнома тарафлардан хар бири учун хакикий, бир хил юридик кучга эга булган 3 нусхада тузилди

**11. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари**

| «СОТУВЧИ» | «ХАРИДОР» |
|---|---|
| "SAM KARPO DIZAYN" МСHJ | |
| Адрес.: Тошкент шахри Олмазор тумани Беруний кучаси 18Д | Адрес SAMARQAND DAVLAT TIBBIYOT UNIVERSITETI IXTISOSLASHGAN BOLALAR XIRURGIK KLINIKASI |
| Тел./факс: +99897289[illegible] | Тел/факс Samarqand sh,M Ulug'bek ko'chasi-70 «A»uy |
| Р/с.: 20208000200993605001 | Р/с.: ShHV:401410860184017073101054992 |
| "Хамкорбанк"АТБ Чилинзор филиали | Банк «Markaziy bank» Toshkent shahar XKKM |
| МФО:01108 ИНН [illegible] | ИНН MFO:00014 [illegible] 201213693 OKED:91511 |
| Директор: Rabbimov E.A | Директор |
| М.П. | |

Хукукшунос
Лицензия: SA № - 000356
берилган санаси: 2011.04.02.
А.Раббимов

**154354 лот юзасидан шаклланган дастлабки баённоманинг муҳокамаси натижаси бўйича расмийлаштирилган электрон баённомаси**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сонли қарорига асосан дастлабки электрон баённома у расмийлаштирилган кундан бошлаб давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди.

Икки иш куни ичида иштирокчилар томонидан танлаш (тендер) ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар тушмаганлиги тўғрисида харид комиссияси аъзолари тегишли қарор қабул қилди.

| | |
|---|---|
| Муҳокама тугаган сана: | 05.10.2022 13:04 |
| Комиссия раиси: | ISAKOV ABDURAUF MAMADIYAROVICH |

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Самарқанд Давлат Тиббиёт
Университети ихтисослашган
болалар хирургик клиникаси
DEVON Ж.А.Шамсиев

Самарқанд Давлат Тиббиёт Университети ихтисослашган болалар хирургик клиникасига Офис мебелларини тайёрлаш ва ўрнатиш бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида танлов ўтказиш бўйича комиссия йиғилиши

**БАЁНИ**

Самарқанд шаҳри «_30___»_сентябр_2022 й.

Раислик қилувчи А.М.Исаков

Иштирок этган комиссия аъзолари:

| | |
|---|---|
| Н.А.Дустова | Комиссия аъзоси, Бош хисобчи |
| Ж.Н.Салимов | Комиссия аъзоси, |
| З.М.Давронова | Комиссия аъзоси, |
| Х.А.Ахмедов | Комиссия аъзоси, |
| Ш.А.Ашуров | Котиб, |

**КУН ТАРТИБИ:**

«Офис мебелларини тайёрлаш ва ишлатилиш сифати даражасини ўрганиш» бўйича.

---

САМАРКАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСТИТЕТИ ИХТИСОСЛАШГАН БОЛАЛАР ХИРУРГИК КЛИНИКАСИ хузуридаги ТЕНДЕР комиссияси томонидан 2022-йил 23-сентябрда Ўзбекистон Республикаси Товар-хомашё биржасининг электрон порталига Офис мебелларини тайёрлаш ва ўрнатиш бўйича №154354 -лот рақами билан эълон жойлаштирилди. Мазкур лот бўйича 2022 йил 23 сентябрдаги энг яхши таклифларни танлаш савдосини ўтказиш бўйича давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган "Офис мебелларини тайёрлаш ва ўрнатиш бўйича" баённомасига асосан 30- сентябр куни камиссия аъзолари йигилищди:

**1.Тендерда иштирок этган корхоналар руйхати:**

1. **ООО SAM KARPO DIZAYN**
2. **IDEAL FORTUNA X/K**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги "Давлат харидлари тўғрисида"ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига мухокама қилиш ва мақул корхонани танлаш.

2.Корхонани танлаб олишдан мақсад харид қилиш тартиб тамойиллари иштирокчиларнинг таклифларини кўриб чиқиш мақсадида ҳолис ва асосли мезонлар асосида энг мақбул таклиф фойдасига якуний қарор қабул қилишда беғаразлик ва шаффофлик механизмларидан фойдаланиш.

3.Комиссия вазифалари кўрсатиб ўтилган бўлиб унга кўра:

комиссия харид қилиш хужжатларини келишиш, таклиф қилиш муддатлари, таклифларни очиш тартиб тамойиллари, таклифларни бахолаш мезонлари ва усулларини, зарур бўлганда таклиф киритиш тартибини белгилаш хамда қонунчиликда белгиланган бошқа вазифаларни бажаришни белгиланди.

4.Комиссия аъзоларининг хулосаси :

Тендерда катнашган корхоналарни худудийлиги, тайёрлайдиган махсулотларини сифат даражаси, нархлари ,хужжатлар туплами, йиллар хисобидаги тажрибалари ,килинган ишлар хажми ,йиллик тажрибасидан келиб чикиб инобатга олишни келишилди

Комиссия аъзолари иккала корхоналарининг умумий иктисодий холатлари,жихозланганлик даражаси ,мебел тайорлашда ишлатадиган материаллар холатлари ,устав фондларини фарклари , корхона тасисчилари орасида статистика маълумотлари урганиб чикилди ва хулоса килинди.

Камиссия аъзолари узлари фойдаланаётган компьютеридан ва электрон калитлари оркали овоз беришди, берилган овозлар нисбатига кура ООО SAM KARPO DIZAYN Корхонаси голиб деб топилди.

Клиника учун керакли мебеллар туплами голиб корхонадан олишга карор килинди

**Комиссия аъзолари**

| | | |
|---|---|---|
| А.М.Исаков | | Раислик қилувчи |
| Н.А.Дустова | | Комиссия аъзоси, Бош хисобчи |
| Ж.Н.Салимов | | Комиссия аъзоси, |
| З.М.Давронова | | Комиссия аъзоси, |
| Х.А.Ахмедов | | Комиссия аъзоси, |
| Ш.А.Ашуров | | Котиб, |